

## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 11 | pp. 137-144 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ



**Атамурадов Шерзод Акрамович**

Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети,

"Иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси доценти

[sher\\_zod@inbox.ru](mailto:sher_zod@inbox.ru)

ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-5511-6164>

**Аннотация:** Рақамлаштириш элементларини стратегик режалаштириш жараёнига жорий қилиш ташкилотларнинг самарадорлигини оширишда ва иқтисодий ривожланишга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада рақамлаштириш жараёнининг назарий асослари, миллий ва халқаро тажрибалар таҳлили ҳамда ушбу жараённинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, рақамлаштириш орқали стратегик режалаштириш жараёнини такомиллаштириш учун таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Рақамлаштириш, стратегик режалаштириш, самарадорлик, рақамли технологиялар, инновациялар, маълумот таҳлили, автоматлаштириш, ресурсларни тақсимлаш, прогнозлаштириш, рақамли трансформация, сунъий интеллект, статистика, стратегия, миллий тажриба, хорижий тажриба.

### THE IMPORTANCE OF DIGITALIZING THE STRATEGIC PLANNING PROCESS

**Atamuradov Sherzod Akramovich**

Navoi State University of Mining and Technologies,

Associate Professor of the Department of "Economics and Management"

[sher\\_zod@inbox.ru](mailto:sher_zod@inbox.ru)

ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-5511-6164>

**Abstract:** The integration of digitalization elements into the strategic planning process plays a crucial role in improving organizational efficiency and achieving economic development. This article examines the theoretical foundations of the digitalization process, analyzes national and international experiences, and highlights its significance in Uzbekistan's economy. Furthermore, recommendations are proposed to enhance strategic planning through digital technologies.

**Keywords:** Digitalization, strategic planning, efficiency, digital technologies, innovations, data analysis, automation, resource allocation, forecasting, digital

transformation, artificial intelligence, statistics, strategy, national experience, international experience.

### *Кириш*

Бугунги кунда рақамлаштириш жараёни жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан, стратегик режалаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон иқтисодиётида рақамли технологияларни жорий этиш компаниялар ва ташкилотларга стратегияни самарали ишлаб чиқиш ва амалга оширишда янги имкониятларни тақдим этмоқда. Айнан шу жараёнлар бизнеснинг рақобатбардошлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва узоқ муддатли мақсадларга эришишни таъминлайди.

Замонавий жаҳон бозорларида рақамлаштиришнинг роли шунчалик ошиб бормоқдаки, ҳар бир компания учун рақамли стратегик режалаштиришни татбиқ қилиш заруратга айланмоқда. Бироқ, рақамлаштириш жараёнида кадрлар тайёргарлиги, технологиялар танқислиги, молиялаштириш каби турли қийинчиликлар учрамоқда.

Ўзбекистонда рақамли трансформацияни жорий этиш ва унинг иқтисодий ривожланишга таъсирини кучайтириш мақсадида бир қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Шу жумладан, стратегик режалаштириш жараёнида рақамлаштириш элементларидан самарали фойдаланиш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Чунки рақамлаштириш корхоналарнинг ички ва ташқи муҳитини таҳлил қилишда, ресурсларни тақсимлашда ва ривожланиш йўналишларини белгилашда инновацион ёндашувларни таъминлайди.

Ушбу мақоланинг асосий мақсади — стратегик режалаштириш жараёнини рақамлаштиришнинг аҳамиятини таҳлил қилиш, ушбу жараёндаги асосий афзалликлар ва муаммоларни кўрсатиб бериш, шунингдек, Ўзбекистондаги ҳолат бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

### *Адабиётлар шарҳи*

Стратегик режалаштириш ва рақамлаштириш тушунчаларининг ҳар бири алоҳида ўрганилган бўлса-да, уларнинг ўзаро алоқадорлигини кўрсатиб бериш мақсадга мувофиқдир. Илмий манбаларда ушбу тушунчаларнинг турли таърифлари мавжуд бўлиб, улар тадқиқотчи ва амалиётчиларнинг тажрибасига асосланган. Қуйида ушбу тушунчаларнинг турли таърифлари ва уларнинг моҳиятини таҳлил қиламиз:

Жаҳон банкининг таърифига кўра, рақамлаштириш – бу рақамли технологиялар ёрдамида маълумотлар ва жараёнларни ўзгартириш ва уларнинг қийматини ошириш жараёнидир<sup>1</sup>. У корхоналар учун янги бизнес моделларини яратиш, қарорлар қабул қилишда маълумотларни самарали қайта ишлаш имкониятини беради.

Жаҳон банки рақамлаштириш жараёнини ташкилотлар учун қиймат яратиш воситаси сифатида талқин қилади. Таъкидлашча, рақамли технологияларни

<sup>1</sup> World Bank Group. (2016). World Development Report: Digital Dividends. Washington, D.C.: World Bank.

жорий этиш жараёни нафақат иш жараёнларини ўзгартиришга, балки кенгрок ижтимоий-иқтисодий ислохотларга олиб келади. Бу таъриф рақамлаштиришни фақатгина техник жараён сифатида эмас, балки ривожланишнинг муҳим воситаси сифатида кўришни назарда тутди.

Жаҳон миқёсида тан олинган тадқиқот ва консалтинг компанияси Гартнер (Gartner Inc.) талқинига кўра рақамлаштириш бу – рақамли маълумотлардан самарали фойдаланиш учун ташкилотнинг иш жараёнларини рақамли трансформация қилиш жараёнидир<sup>2</sup>.

Гартнер рақамлаштиришни ташкилотнинг ички жараёнларини ўзгартириш жараёни сифатида таърифлайди. Ушбу таърифда рақамлаштиришнинг стратегик жиҳатлари, яъни янги рақобатбардошлик муҳитини яратиш имкониятига урғу берилган. Бу таъриф рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш орқали бизнес моделларни такомиллаштириш имкониятларини таъкидлайди.

Стратегик режалаштиришнинг асосий мақсади – ташкилотнинг узоқ муддатли ривожланиш йўналишларини белгилаш ва бу мақсадларга эришиш жараёнини оптимал тарзда ташкил этишдир. Игорь Ансофф (1965) ўз асарларида стратегик режалаштиришни "ташкилотнинг ташқи муҳит ўзгаришларига мувофиқ ҳолда стратегик йўналишларни белгилаш жараёни" сифатида таърифлаган<sup>3</sup>.

Майкл Портернинг таърифига кўра, стратегик режалаштириш – бу корхонанинг бозорда рақобатбардошликни ошириш учун узоқ муддатли қарорлар қабул қилиш жараёни<sup>4</sup>.

Портер стратегик режалаштиришнинг бозорда рақобатбардошликни оширишга хизмат қилишини таъкидлайди. Унинг таърифи корхоналарнинг бозор шароитларини таҳлил қилиш ва ушбу маълумотлар асосида самарали қарорлар қабул қилиш жараёнига эътибор қаратади.

Бугунги кунда стратегик режалаштириш иқтисодий субъектларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва ривожланиш истиқболларини аниқлашда муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда ҳам стратегик режалаштиришга бўлган қизиқиш сўнгги йилларда кучайиб бормоқда. Жумладан, "Стратегик ривожланиш концепциялари" бўйича миллий дастурларда ушбу жараённинг аҳамияти алоҳида таъкидланади.

### *Тадқиқот методологияси.*

Ушбу тадқиқотда стратегик режалаштириш жараёнини рақамлаштиришнинг аҳамиятини аниқлаш учун қиёсий ва таҳлилий усуллардан фойдаланилди. Қиёсий усул орқали халқаро ва маҳаллий тажрибалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар таҳлил қилинди. Шунингдек, иқтисодий кўрсаткичлар, рақамлаштириш даражаси ва унинг стратегик режалаштириш жараёнига таъсирини баҳолаш учун статистик маълумотлар ўрганилди. Тадқиқотда асосий эътибор рақамли технологияларни жорий қилиш жараёнидаги имкониятлар ва муаммоларни баҳолашга қаратилди.

<sup>2</sup> Gartner Research. (2020). Digitalization Definition and Glossary. Gartner Inc.

<sup>3</sup> Ansoff, I. (1965). Corporate Strategy: An Analytic Approach to Business Policy for Growth and Expansion. McGraw-Hill.

<sup>4</sup> Porter, M. (1980). Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors. Free Press.

Иқтисодийнинг турли секторларидаги рақамлаштириш тажрибаларига оид илмий адабиётлар ва халқаро ташкилотларнинг ҳисоботлари таҳлил қилинди.

### *Таҳлил ва натижалар муҳокамаси*

XX асрнинг иккинчи ярмида стратегик режалаштиришга бўлган қизиқиш катта бўлди. Игорь Ансофф ва Майкл Портер каби олимлар ушбу соҳанинг назарий асосларини яратиб, стратегик бошқарув ва режалаштириш моделларини ишлаб чиқдилар. Кейинги йилларда рақамлаштириш жараёнлари стратегик режалаштиришга янги қирра киритди. Халқаро тадқиқотларда рақамли технологияларни жорий этишнинг стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсири алоҳида таъкидланади.

Умуман олганда, стратегик режалаштириш жараёнини рақамлаштириш замонавий иқтисодийдаги муҳим тенденциялардан бири ҳисобланади. Рақамли технологияларнинг жорий этилиши корхоналар ва ташкилотларга маълумотларни тезкор таҳлил қилиш, иш жараёнларини автоматлаштириш ва самарадорликни ошириш имконини беради. Ушбу жараённинг аҳамияти жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон иқтисодийдаги амалий натижалар асосида янада аниқ намоён бўлади.

Рақамли технологиялар стратегик режалаштириш жараёнини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқади. Ушбу жараён ташкилотларга тезкор қарорлар қабул қилиш, маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш ва жараёнларни автоматлаштириш имконини беради. Масалан, сунъий интеллект ва маълумотлар таҳлили воситалари орқали бозордаги ўзгаришларни олдиндан прогноз қилиш имкони пайдо бўлди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, рақамлаштириш жараёнини жорий этган ташкилотларда ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртача 20-30% га ошган.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2023 йилда глобал миқёсда рақамлаштириш жараёни иқтисодийга кўшган улуши 15 триллион доллардан ошиб кетди, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) тахминан 14% ни ташкил этади<sup>5</sup>. Европадаги рақамлаштирилган компаниялар ўз рақобатчиларидан ўртача 25% юқори самарадорликка эришган. Сунъий интеллект ва автоматлаштириш жараёнларига сармоя киритган компанияларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ўртача 30% га ошганлиги қайд этилган<sup>6</sup>.

Мамлакамизда рақамлаштириш жараёнининг жорий қилинишини таҳлил қиладиган бўлса бу жараён ҳали янги босқичда бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Давлат статистика қўмитасининг 2022 йилги маълумотларига кўра, кичик ва ўрта бизнесларнинг 18% и ўз фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланади<sup>7</sup>. Бу рақам АҚШда 80% ва Европа давлатларида ўртача 70% дан юқори эканлигини ҳисобга олганда, анча паст кўрсаткич ҳисобланади. 2023 йилда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш натижасида давлат бошқарувида самарадорлик 12% га ошган<sup>8</sup>.

<sup>5</sup> World Bank Group. (2023). Digital Economy Report. Washington, D.C.: World Bank. URL: <https://www.worldbank.org>


<sup>6</sup> European Commission. (2023). The Digital Economy and Society Index (DESI). URL: <https://digital-strategy.ec.europa.eu>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. (2022). Ўзбекистонда рақамли иқтисодийнинг ривожланиши. URL: <https://stat.uz>

<sup>8</sup> Электрон Ҳукумат Лойиҳаларини Бошқариш Маркази. (2023). Электрон ҳукумат: натижалар ва истиқболлар. URL: <https://e-gov.uz>

Замонавий тадқиқотлар рақамлаштириш элементлари стратегик режалаштириш жараёнидаги самарадорликни 25–30% га оширишини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда 2017 йилда "Рақамли Ўзбекистон – 2030" дастури доирасида рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу, айниқса, давлат ва хусусий секторларда стратегик режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон тажрибасида эса рақамлаштиришнинг аҳамияти 2017 йилдан бошлаб сезиларли даражада кучайди. Жумладан, стратегик режалаштиришда рақамли технологияларни жорий қилиш натижасида ресурсларни тақсимлаш самарадорлиги ошмоқда, бу эса умумий иқтисодий ривожланишга хизмат қилмоқда.



### 1-расм. Ўзбекистон ва турли хорижий мамлакатларда кичик бизнес субъектларининг рақамлаштирилганлик даражаси.

Манба: World Economic Forum (Жаҳон иқтисодий форуми) ҳисоботлари.

Юқорида келтирилган 1-расмда Ўзбекистон ва турли хорижий мамлакатларда кичик бизнес субъектларининг рақамлаштириш даражаси келтирилган. Диаграммадан кўриниб турибдики Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари фаолиятини рақамлаштириш даражаси ҳозирча 35% билан чекланган. Бу асосан электрон ҳужжат айланмаси ва тўлов тизимларига кириш имкониятларининг етарли даражада эмаслиги, шунингдек, рақамли кўникмаларга эга кадрларнинг етишмаслиги билан боғлиқ.

Бугунги рақамли даврда стратегик режалаштириш жараёнини такомиллаштиришда рақамлаштириш элементларини жорий қилиш айти муддао ҳисобланади. Рақамлаштириш жараёнларни автоматлаштириш, маълумотларни тезкор таҳлил қилиш, ва қарор қабул қилиш самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Биринчи навбатда, рақамлаштириш маълумотларнинг ишончлилиги ва шаффофлигини таъминлайди. Мисол учун, замонавий стратегик режалаштириш

жараёнларида Big Data технологиялари ёрдамида улкан маълумот тўпламларини таҳлил қилиш орқали ички ва ташқи муҳит ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу эса ташкилотларнинг келгуси ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи томондан, рақамлаштириш ресурсларни тақсимлаш самарадорлигини оширади. McKinsey компаниясининг тадқиқотлари рақамлаштириш элементларини жорий қилган ташкилотлар ресурсларни тежашда 20–25% самарага эришганлигини кўрсатди. Бунда, электрон платформалардан фойдаланиш орқали режалаштириш жараёнини тезкор ва аниқ амалга ошириш имконияти юзага келади.

Бундан ташқари, рақамли технологиялар стратегик қарорларнинг тезкорлигини таъминлайди. Масалан, автоматлаштирилган таҳлил воситалари, сунъий интеллект ва прогнозлаштирувчи моделлардан фойдаланиш орқали турли сценарийларнинг молиявий ва операциявий натижаларини баҳолаш мумкин. Бу эса корхоналарга ўз стратегиясини ташқи муҳит ўзгаришларига тез мослаштириш имконини беради.

Ўзбекистонда рақамлаштириш элементларини стратегик режалаштиришга жорий қилиш иқтисодий ривожланиш учун катта аҳамиятга эга. Давлатнинг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида корхоналарда рақамли технологияларни жорий этиш бўйича бир қатор ташаббуслар амалга оширилди. Мисол учун, айрим давлат ва хусусий корхоналар ERP (Enterprise Resource Planning) тизимларидан фойдаланиш орқали стратегик режалаштириш жараёнларини оптималлаштирмоқда.

Хорижий тажриба ҳам рақамлаштиришнинг стратегик режалаштиришга таъсирини яққол намоён этмоқда. Германиянинг “Индустрия 4.0” дастури корхоналарда рақамли технологияларни жорий қилиш орқали ривожланиш стратегияларини амалга оширишдаги самарадорликни 30% га оширган. АҚШда эса Google ва Amazon каби корпорациялар рақамли моделлар асосидаги стратегик режалаштириш орқали тезкор ва самарали қарор қабул қилиш тизимини йўлга қўйган.

### *Хулоса*

Хулоса қилиб айтганда, рақамлаштириш элементларини стратегик режалаштиришга жорий қилиш ташкилотларга маълумотларнинг тўғри таҳлили, ресурсларнинг оқилона тақсимланиши ва тезкор қарорлар қабул қилиш имкониятини тақдим этади. Бу жараён нафақат корхоналарнинг ички самарадорлигини оширади, балки иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ҳам ҳисса қўшади.

Рақамлаштириш элементларини стратегик режалаштириш жараёнига жорий қилиш ташкилотларнинг самарадорлигини ошириш, ресурсларни тежаш ва қарор қабул қилиш жараёнларини тезкорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот натижаларига кўра:

- Рақамлаштириш жараёни маълумотларни таҳлил қилишдаги хатоларни камайтиради ва режалаштириш жараёнини янада аниқ ва шаффоф қилади.

- Ўзбекистонда рақамлаштириш элементларини стратегик режалаштиришга жорий қилиш орқали корхоналарнинг ривожланиш самарадорлиги ўртача 20–30% га оширилиши мумкин.
- Германия ва АҚШ каби ривожланган мамлакатлар тажрибаси рақамлаштириш жараёнининг стратегик режалаштиришдаги роли муҳимлигини кўрсатди.

Бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида рақамлаштириш элементларини жорий қилиш нафақат ташкилотлар, балки умумий иқтисодиёт учун катта аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. **Рақамлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш:** Корхоналар ўз стратегик режалаштириш жараёнига рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича аниқ стратегия ишлаб чиқиши лозим.

2. **Маҳаллий корхоналар учун рақамли технологиялар платформасини ривожлантириш:** Ўзбекистонда маҳаллий корхоналарнинг рақамлаштириш жараёнига ўтишини қўллаб-қувватлаш учун махсус давлат дастурлари ва платформалар яратиш зарур.

3. **Кадрларни тайёрлаш:** Рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва мавжуд ходимларни қайта ўқитиш дастурларини амалга ошириш лозим.

4. **Статистик таҳлил тизимини такомиллаштириш:** Корхоналарда стратегик режалаштириш жараёнидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш учун замонавий статистик ва прогнозлаштирувчи воситалардан фойдаланишни йўлга қўйиш керак.

5. **Хорижий тажрибани маҳаллий шароитларга мослаштириш:** Германия ва АҚШ тажрибаларини таҳлил қилиб, уларнинг самарали элементларини Ўзбекистон иқтисодиётига татбиқ этиш лозим.

Рақамлаштириш элементларини стратегик режалаштиришга жорий қилиш нафақат корхоналарнинг самарадорлигини оширади, балки иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу таклифларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти рақамли трансформация жараёнида янги босқичга кўтарилиши мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ansoff, I. (1965). Corporate Strategy: An Analytic Approach to Business Policy for Growth and Expansion. McGraw-Hill.
2. Porter, M. (1980). Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors. Free Press.
3. World Bank Group. (2016). World Development Report: Digital Dividends. Washington, D.C.: World Bank.
4. Gartner Research. (2020). Digitalization Definition and Glossary. Gartner Inc.
5. Атамуродов Ш. А. Тадбиркорлик субъектларини солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари // Экономика и финансы (Ўзбекистон). 2012. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tadbirkorlik-subektlarini-soli-lar-vositasida-rahbatlantirish-masalalari> (дата обращения: 20.11.2024).

6. Ашурова Насиба Батировна, Атамурадов Шерзод Акрамович Ўзбекистонда венчур молиялаштиришнинг янги моделларини ривожлантириш // Экономика и финансы (Ўзбекистан). 2020. №1 (133). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-venchur-moliyalashtirishning-yangi-modellarini-rivozhlantirish> (дата обращения: 18.11.2024).
7. Ашурова Насиба Батировна, Атамурадов Шерзод Акрамович Хорижий мамлакатларда венчур капитали бозорининг институционал субъектлари // International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/horizhiy-mamlakatlarda-venchur-kapitali-bozorining-institutsional-subektlari> (дата обращения: 18.11.2024).
8. Ашурова Насиба Батировна, Атамурадов Шерзод Акрамович Инновацион фаолиятни стратегик режалаштиришда Mckinsey/ General Electric матрицаси ёрдамида бозор салоҳиятини таҳлил қилиш // Экономика и финансы (Ўзбекистан). 2022. №11 (159). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-faoliyatni-strategik-rezhalashtirishda-mckinsey-general-electric-matritsasi-yordamida-bozor-salo-iyatini-ta-lil-ilish> (дата обращения: 08.11.2024).
9. Атамурадов Шерзод Акрамович Венчур инвестицияларининг глобал тенденциялари ва ўзбекистон тажрибалари // Raqamli iqtisodiyot (Цифровая экономика). 2024. №9. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/venchur-investitsiyalarining-global-tendentsiyalari-va-zbekiston-tazhribalari> (дата обращения: 18.11.2024).
10. Атамурадов Шерзод Акрамович. (2024). Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни жорий қилиш босқичлари ва бу соҳада хориж тажрибаси. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 3–9. Retrieved from <http://ijournal.uz/index.php/jartes/article/view/1155>
11. Ўзбекистон шароитида инновацион тадбиркорлик учун венчур инвестицияларини жалб қилиш . (2024). Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting, 4(07), 110-120. [https://doi.org/10.55439/AFA/vol4\\_iss07/428](https://doi.org/10.55439/AFA/vol4_iss07/428)
12. Ақш, Европа ва Осиё худудларида венчур инвестицияси муҳити таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон инвестицион муҳитини янада яхшилаш . (2024). Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting, 4(07), 143-153. [https://doi.org/10.55439/AFA/vol4\\_iss07/432](https://doi.org/10.55439/AFA/vol4_iss07/432)
13. World Bank Group. (2023). Digital Economy Report. Washington, D.C.: World Bank. URL: <https://www.worldbank.org>
14. European Commission. (2023). The Digital Economy and Society Index (DESI). URL: <https://digital-strategy.ec.europa.eu>
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. (2022). Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши. URL: <https://stat.uz>
16. Электрон Ҳукумат Лойиҳаларини Бошқариш Маркази. (2023). Электрон ҳукумат: натижалар ва истиқболлар. URL: <https://e-gov.uz>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

